O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 9 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 62 (7257)

Da'vat

Истиқлолини сақлаб қололмаганлар тарих саҳифаларидан бутунлай ўчиб кетганини, эркини асраб қолган миллатлар эса, шаън ва шавкатда тенгсиз юксакликларга кўтарилганини ибратли мисоллар воситасида халқимизга етказишимиз лозим.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Наманган вилоятининг чекка қишлоқларидан бири Нанайда 400 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, 51-ўрта мактаб жамоасига фойдаланиш учун топширилди. Таълим муассасасини қуриш ва безаш ишларида меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилди.

"Йил ўқитувчиси — 2000" кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиси Иқболой Шамсиддинова Термиз шаҳридаги 14-ўрта мактабда 8 йилдан буён ўғил-қизларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келади. У ҳар бир сабоғида — бепоён мамлакатимиз қирадирлари, далаю ўтлоқлари, боғу пахтазорлари, халқимиз феъл-атворига мос ҳовли-жойлари акс этган расмлар ва ҳикоялар орқали Ватанни севишга, уни кўз қорачиғидай асрашга ўргатиб келмоқда.

Суратда: фидойи муаллима И. Шамсиддинова кўрик-танловдаги намунавий машғулотида ҳам долзарб мавзу — "Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи" ҳақида ўқувчиларга батафсил тушунча берди.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

МАНФААТ – МАҚСАД – ҲАРАКАТ МУШТАРАКЛИГИ

БИРИНЧИ МАҚОЛА

Халқни бирлаштиришдаги аҳамияти туфайли тарбия ва тарбия ҳақидаги фан — педагогика барча замон ва маконлар алломаларининг доимий диққат марказида бўлиб келди. Грек файласуфи Пифагор бундан қарийб 2500 йил бурун "ёмон (ёвуз) одамлар тарбиянинг ёмонлиги сабабли мавжуддир" деган бўлса, Афлотун (эр.ав. 427-348) инсон фақат тарбия орқали инсонга айланади. Агарда у тарбияланмаса ёки ёмон тарбияланса, у ер юзидаги энг мудҳиш, ёввойи ҳайвонга айланади, деган эди.

Абдулла Авлоний эса тарбиянинг миллат тақдиридаги ўрнини ҳаёт-мамотга тенглади. Шу сабабли Президентимиз Ислом Каримов "тарбияга ҳозир эътибор бермасак, кейин кеч бўлади"; "миллий тарбия-ни юксалтиришда ҳам давлат бош ислоҳотчи" эканлигини алоҳида қайд этди. Эътибор беринг-а! Алломалар тарбияланувчи деганда одам, инсон, миллатни, тарбиячи, тарбияловчи, деганда — Давлатни тушунмоқдалар. Совет педагогикаси эса бу тушунчани мактаб деворлари билан чеклаб, тарбияланувчи бу — ўқувчи, тарбиячи — ўқитувчи дея тушунтириб келди. Натижада одамларда "тарбия" деганда мактабни, болаларни тушуниш урфи ҳалигача мавжуд. Алломаларимиз айтганларини ривожлантириб, шундай дейиш мумкин: агарда Ўзбекис-тонимизда лоқайд одамлар кўпу, ватанпарварлар, фидойилар, ташаббускорлар кам бўлса, демак, тарбияга эътибор янада оширилиб, миллий тарбия юксалтирилиши керак.

Миллатларнинг характери ижтимоий-сиёсий тузум таъсирида, аста-секин ўзгара боради. Миллий тарбия эса бу ўзгаришнинг сифат ва суръатини давлат ва жамият мақсадларига мослаш, тезлаштиришга хизмат қилади. Демак, одамлар тафаккурини ўзгартириш дастлаб миллий характерни ўрганиш ва ўзгартириш масаласини англатади.

Миллат характери, бирлиги — ижтимоий педагогика ва психологияга доир масалалардир. Миллатнинг уюшганлиги (ёки тарқоқ, парокандалиги) хатти-ҳаракати давлатнинг ички ва ташқи муносабатлари хусусияти, мавқеига ҳам таъсир қилишини назарда тутсак, масаланинг улкан сиёсий аҳамияти намоён бўлади. Чунки миллат—давлат, сиёсий тизимнинг ижтимоий манбаидир.

Миллий характер, уни уюштириш, тафаккурини ислоҳ қилиш хорижий педагогика ва психологияда кам ўрганилган. Асосий эътибор шахс, шахслараро муносабатларга қаратилиб, масала миллий хусусиятдан холи, номукаммал ҳал қилиб келинди. Ваҳоланки, миллий туйғу, ғурур, онгнинг ижтимоий тараққиёт учун нечоғлик аҳамиятга моликлиги жаҳон тарихида кўп исботланган. Шу боис Ўзбекистонда миллий маънавият, миллий тарбия, миллий ўзликни англаш давлат аҳамиятига молик илмий-педагогик масала мақомини олди.

Istiqlol ma'rifati

Миллат — бир тилда сўзлашувчи одамларнинг оддий жамоаси эмас. Сиёсий партия ҳам эмас. Зеро партияга кириш ва чиқиш мумкин. Миллат бу тарихий, маънавий, руҳий, лисоний, сиёсий ижтимоий бирликдир. Агарда партиялар ҳокимият учун курашда ўзаро баҳслашиб, рақобатлашсалар, миллат бундай юксалмайди. У ички ва ташқи (бошқа миллатлар билан) уйғунлик, иноқлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик муҳитида юксалади.

Одам одам билан, миллат — миллатлар билан тирик. У ўз манфаатларини ўзгаларнинг манфаатлари билан мувофиқлаштириб яшайди, бойийди. Ўзбек халқи ўз тарихида ана шундай мувофиқликнинг миллий анъаналари, урф-одатларини ижод қилди. Меҳмондўстлик — ўзбекнинг бутун жаҳон эътироф қилган миллий фазилатига айланган. Миллий одоб-ахлоқ меъёрлари ана шу бирликни мустаҳкамловчи "ўзбекчилик" сифатида хизмат қилиб келди. Ҳашарни олайлик. Бир киши 100 кунда битирадиган ишни 100 киши бир кунда битиради. Бунинг учун одамларни руҳий, жисмоний уюштириш керак. Яъни ҳар бир кишининг онгли равишда, бирибирини маънавий рағбатлантириши, ҳис-туйғуларининг уюшиши, яъни миллий ютуқлардан бир хил шодланиб, муаммолардан бир хил ташвишланишига эришиш керак. Бу вазифани замонавий, яъни самарали миллий тарбия ҳал қилиши мумкин, холос. Ана шу қисқа назарий, мантиқий таҳлил ҳам миллий бирликка эришишнинг педагогик шарти — миллий-замонавий тарбия эканлигини кўрсатади. Бу эса жадид отамиз Абдулла Авлонийнинг машҳур фикрини қуйидагича талқин қилишга ундайди: Алҳосил миллий-замонавий тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир.

Миллий юксалишнинг педагогик моҳияти нимада? Миллий юксалиш бу халқнинг мақсад ва манфаат ҳамда саъй-ҳаракатларининг рўёбга чиққан уйғунлиги демакдир. Миллий бирликка эришиш — халқ онгида мақсад, манфаат ва ҳаракат бирлигига эришиш орқали таъминланади. Мақсади, манфаати ва ҳаракат бирлигини англай олмаган, маҳаллийчилик, синфларга, гуруҳ ва мазҳабларга бўлиб ташланган миллат маънавий бемор халқ. У миллат бўла олмайди, бирлашмайди. Чунки умумий мақсад, умумий манфаат бўлмаса, нафақат миллионлаб кишиларни, балки икки кишини ҳам бирлаштириб бўлмайди. Миллий бирлик вақтинча, доимий, ташкилий ёки стихияли шаклларга эга бўлиши мумкин. Бизга буларнинг қайси бири керак? Бизга ислоҳотларни тез ва соз ўтказиш учун ташкилий (мақсадга йўналтирилган), доимий (буюк келажак учун) миллий бирлик керак.

МАНФААТ

Ҳар бир киши онгида бошқа миллатдошида ҳам учрайдиган манфаатлар бўлади. Французлар — Францияда, инглизлар — Англияда, ўзбеклар — Ўзбекистонда ўз давлатчилиги, тили, маънавияти, тарихи, истиқболи, миллий давлатининг гуллаб-яшнаши, урф-одатларининг тиклани-шидан манфаатдор. Бу умуминсоний қадриятлар мустақил давлатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида, маънавий сиёсатимизда ўз такомилини топмоқда. Миллат ва давлат бирлиги мустақиллик мафкурасида ёрқин ифодаланган. Бироқ, ушбу бирликни одамларнинг кундалик ҳаётидаги хатти-ҳаракатлари билан боғлаш масаласида муаммолар бор.

Президентимиз И.Каримовнинг одамлар тафаккурини ўзгартириш масаласига муттасил эътибор қаратаётганлигининг ҳикмати ҳам ана шунда.

Одамларга миллат ва давлат бирлиги ғоясини, бу бирликнинг давлат ва жамият қурилишидаги аҳамиятини илк, аниқ ва ёрқин талқин қилиб берган олимларимиздан бири профессор Н.Комилов бўлдилар. Муаллиф 1991 йил 1 сентябридан бошлаб фуқаро давлатни янгидан таниганлигини, давлат ҳақиқий маънода халқ иродасини ифодалай бошлаганлигини, ҳар бир ўзбекистонлик давлатни аввало ўзиники деб билишини, давлатга бўлган муносабатида Ишонч, Муҳаббат ва Эъзоз орта бошлаганини, давлат олий ҳакамлик ва мувофиқлаштирувчилик вазифасини адо этишини исботладилар (Н.Комилов. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати (Жамият ва бошқарув, 1997 йил, 2-сон, 10-12 бет). Яъни Ўзбекистонда давлат ва миллат бирлиги:

—айрим синфлар, табақаларнинг эмас, балки умумхалқ манфаатларини собит туриб ҳимоя қилувчи;

—миллий мустақиллик кўрғони;

—миллат манфаатларининг собит ҳимоячиси;

—миллий анъаналарга содиқлик;

—ижтимоий адолат ҳимоячиси;

—мамлакат осойишталиги, сиёсий барқарорликни таъминлаётган;

—миллатни ички ва ташқа таҳдид ва тажовузлардан қўриқловчи;

—ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини қўриқловчи;

—ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи, эрки, номусини ҳимоя қилувчи ўз давлатига эгалигида намоён бўлмоқда.

Миллатнинг ва давлат манфаатлари бирлиги тобора мустаҳкамланиб борилмоғи керак. Бунинг учун миллий онг, бирлик, ватанпарварлик, мафкурани шакллантиришнинг илмий-педагогик тизими — миллий тарбия, Президентимиз таъбири билан айтганда, юксалтирилиши керак.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси навбатдаги йиғилишида "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ва "Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунларнинг Наманган вилоятидаги ижроси натижалари муҳокама этилди.

• "Экосан" халқаро жамғармаси мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлиги ҳимояси бўйича қилинган ишларнинг намойиши сифатида шу йилнинг 18 август куни ўзига хос Экофестиваль ўтказадиган бўлди.

• Ҳалқаро Кураш Ассоциацияси буюк британиялик мутахассисларидан Ўзбек кураши бўйича III Жаҳон чемпионатини Лондонда ўтказиш таклифини олди.

• Жанубий Сурхон сув омбори бўйида Ўзбекистон — Греция ҳамкорлигида "Олтин чигит" қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

• Чилининг пойтахти Сантьягода собиқ ҳарбий диктатор Аугусто Пиночетнинг инсониятга қарши қаратилган жиноятлари устидан олий суд жараёни бошланди.

ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИГА МЕНИНГ ҲИССАМ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика ректорлар Кенгашининг таълим муассасалари жамоаларига МУРОЖААТИ

Ватанимиз ҳар йили мустақиллик байрамини халқимиз ҳаётида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда эришган ютуқлари билан қарши олмоқда.

Бу ютуқларнинг ҳаммаси мустақилликнинг маҳсули бўлиб, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган "ўзбек модели"нинг тўғри эканлигини исботламоқда. Халқимиз мустақилликни мустаҳкамлашда фидокорона меҳнат қилмоқда, жасорат кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз XXI асрга кириб бормоқда. Янги аср жамиятимиз олдига янги вазифаларни қўймоқда. Уларни муваффақиятли ҳал этиш ***ҳар бир фуқаронинг бу жараёнда шахсий иштирокига, ижодий, масъулиятли муносабатига ва манфаатдорлигига боғлиқдир.***

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиётига таълим тизимини янгиламасдан, уни ривожлантирмасдан, яъни мустақил жамиятнинг янги талабларига ва янгича ўлчовларига тўла жавоб берадиган янги фуқарони шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Бунинг учун "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларни амалга оширишда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган барча ходимларнинг — раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ўқувчилар ва бошқаларнинг ҳар бирининг шахсан фаол иштироки, бу соҳага қўшаётган шахсий улуши ҳақидаги туйғу ва мақсад билан яшаши зарур. Зеро, Мустақиллик шахсий ва ижтимоий манфаатларни чинакам уйғунлашувига катта имкониятлар яратиб бермоқда. Таълим тизимининг ҳар бир ходими мен бугун она-юрт тараққиёти ва фаровонлигига, унинг мустақиллигини, хавфсизлигини, барқарорлигини мустаҳкамлашга, шу заминда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминланишига ***қандай ҳисса қўшдим деган саволни ўзига бериши ва ўз фаолиятида бу саволга фидокорона меҳнати, қалб ҳарорати ва ўз виждони олдида жавоб бериши керак.***

Мамлакат тақдири билан боғлиқ бўлган бу муҳим масалаларга бирорта фуқаро лоқайд кузатувчи сифатида четда туриши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Республика ректорлар Кенгаши юқоридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, таълим тизимининг ҳар бир ходимини ***"Ватан мустақиллигига менинг ҳиссам"*** шиори билан ўқиш, ишлаш ва яшашга чақиради.

Мазкур Мурожаатномада қўтарилган масалаларни таълим муассасалари жамоаларида кенг ва атрофлича муҳокама қилиш, унда қўйилган масалалар бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича самарали ишларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республика ректорлар Кенгаши

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОЖИКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРА ҲУДУДИДА СОДИР БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Шу йил август ойининг бошларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Тожикистоннинг Сурхондарё вилоятига чегарадош ҳудудларда босқинчи террорчилар гуруҳларининг Сариосиё ва Узун туманларининг ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларида ўрнашиб олиш мақсадида тўпланаётгани тўғрисидаги хабарлар кела бошлади.

Мазкур хабарлар қайта текшириш жараёнида тасдиқланди. Тожикистон ҳудудидан кириб келаётган ушбу террорчи гуруҳларнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғларни олиб ўтиш йўлларини очиш учун Ўзбекистоннинг чегара туманларида ўтиш базалари, қурол-яроғ, ўқ дори, озиқ-овқат омборларини ташкил этишдан иборат бўлган. Босқинчилар гуруҳлари бунда ўтиш қийин бўлган, шароити мураккаб тоғли жойлар, 4000 метр баландликдаги довонлар, даралар ва табиий ғорлардан фойдаланилган. Мазкур ҳудудларда аҳоли жуда сийрак жойлашган бўлиб, айрим тоғ қишлоқларида 15 дан 30 тагача оила истиқомат қилади Тоғ сўқмоқлари контрабандачилар ва наркотик моддалар билан савдо қилувчилар томонидан олдиндан ўзлаштирилган, қурол-яроғ заҳиралари яратилган.

Босқинчилар гуруҳлари тахминан 70-100 кишидан иборат бўлиб, улар олинган аниқ маълумотлар, шунингдек, радио хабарларга кўра, Афғонистон ҳудудидаги қўпорувчилик марказларида ҳар томонлама тайёргарликдан ўтган. Босқинчилар замонавий қурол-яроғлар, мерганлик қуроллари, тунда кўриш асбоблари ва гранатометлар билан яхши таъминланган.

Қайта текширув талаб этиладиган маълумотларга кўра, Тожикистондаги муайян кучлар ушбу босқинчилар гуруҳларининг Ўзбекистон ҳудудига ўтиши учун шарт-шароит яратиб берган.

Ҳозирги пайтда Тожикистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари билан биргаликда ушбу босқинчилар гуруҳлари қуршаб олинган. Уларни йўқ қилиб ташлаш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг чегара қўшинлари, шунингдек, Ички қўшинлар ва Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган.

Тинч аҳоли қуршаб олинган ҳудуддан олиб чиқилди. Аҳоли ўртасида қурбонлар йўқ. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳалок бўлганлар бор.

(ЎзА)

ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШТИРИЛАДИ

Хабар қилинганидек, август ойининг бошларида Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларида нотинч вазият вужудга келди. Юзга яқин террорчи Тожикистон орқали Ўзбекистон ҳудудига бостириб кирди. Хабарларга кўра, босқинчилар Афғонистонда махсус тайёргарлик машқларини ўтаган. Уларнинг мақсади, юртимизда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғ олиб ўтиш учун йўл очиш, шу билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказишдан иборат. Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур воқеа муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва ташқи ишлар вазири А.Комилов қатнашди.

Анжуманда таъкидланганидек, айни чоғда чегарани бузган террорчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳарбийлари томонидан қуршаб олинган. Босқинчиларни йўқотишда Тожикистон чегарачилари ҳам уларга яқиндан кўмак бераяпти.

Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё ва Узун туманларининг ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларида террорчиларга қарши курашиш осон эмас. Шунга қарамай, жангариларнинг даралар ва табиий ғорларда писиб юриши узоққа чўзилмайди. Майда гуруҳларга бўлиниб ҳаракат қилаётган бўлса-да, террорчиларнинг ҳар бир ҳаракати қатъий назорат остида турибди.

Таъкидланганидек, улар қуршовга олинган. Босқинчи тўдаларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари, Ички қўшинлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири шуни таъкидлар экан, жангарилар тез орада бутунлай йўқотилади ва вазият барқарорлаштирилади, босқинчиларга қарши ўтказилаётган операция ҳозир айни авж палласига кирди, деди.

Террорчилар билан Ўзбекистон ҳарбийлари ўртасида қуролли тўқнашув юз бергани маълум. Жангчиларимиз орасида қурбонлар бор. Лекин аҳолига зарар етгани йўқ. Улар хавфсиз жойга кўчирилган.

(ЎзА)

Ўқитувчи ён дафтарига

ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Антарктиканинг қоқ марказида жойлашган Шарқ кўлини тўрт километрлик муз қатлами ўраб туради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аввал Ер исиган маҳал пайдо бўлиб, сўнг муз билан қопланган мазкур кўлда дунёдаги энг тоза сув мавжуд. Кўлда давом этаётган тадқиқот ишлари Ерда тўрт юз минг йил муқаддам иқлим қандай ўзгара бошлаганини аниқлашда улкан илмий аҳамият касб этади.

КЕСКИН КАМАЙТИРАДИ

Британиялик мутахассислар томонидан ақли заиф ва хотирасини йўқотган кишиларга мўлжалланган "ақлли уй" бунёд этилди. Шифокорларнинг таъкидлашича, бундай уйларнинг фойдаланишга топширилиши юқорида таъкидланган тоифага кирувчилар сонини кескин камайтиради. Эътиборли жиҳати, уй жиҳозларининг барчасига ўз-ўзини бошқарувчи мосламалар ўрнатилганлигидадир.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи комиссияси баликдан сут маҳсулоти олиш технологияси кашф этилганлиги тўғрисида хабар берди. Хабарда таъкидланишича, балиқ сутининг кўриниши қуритилган сигир сути каби кукун ҳолида бўлади. Унга маълум миқдорда сув солиб қайнатилса, ростмана сутга айланади. Чили балиқчилик институти ходимлари балиқ сутидан келажакда пишлоқ, музқаймоқ ва бошқа сутли маҳсулотлар тайёрлашда кенг қўлланилишини айтмоқдалар.

ЭНГ КАМ КУЛАДИГАН ХАЛҚ

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, дунё халқлари ичида энг маъюс ва кам куладиган венгерлар экан. Шу боис, 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган венгерларнинг деярли барчаси доимо руҳий зўриқиш билан юраркан. Сўровда қатнашганларнинг 10 фоизи ҳатто охирги марта қачон юракдан яйраб кулганини ҳам эслай олмаганлар.

...ҳар бир ўзбек, ўзбекистонлик миллий, яъни ўз давлати учун зарарли хатти-ҳаракат, қилиқ, сўзга қарши турмоғи, фойдалиси учун бир-бирини рағбатлантирмоғи керак.

Жаҳон тарихини умумий йўналишларда ўрганиб, бунинг ўрнига асосий эътиборни ўз тарихимизни чуқур билишга қаратсак маъқул бўлмасмикан?

Nuqtai nazar

МОЙИЛЛИК МАҚСАДНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Шу кунларда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълимимиз, хусусан умумий ўрта таълим мактабини ислоҳ қилиш жадал бормоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори муҳим босқичга асос бўлди. Унга кўра, умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда ҳукуматимиз томонидан тасдиқланди. Бу каби янгиланишлар мактабда меҳнат қилаётган ҳар бир педагогходимни янада сидқидилдан, аниқ мақсадлар сари ғайрат билан меҳнат қилишга, кўпроқ ўйлаш ва изланишга ундайди. Шу боис, мен ҳам кўп йиллик педагог сифатида, анчадан бери мактаб, ундаги таълим самарасини юқорироқ босқичга кўтариш ҳақида ўйлаб келаман, шу ўринда ана шу ўйларимни муштарийлар билан ўртоқлашсам.

Табиийки, мактабда дарс бераётган ҳар бир фан муаллими ўз фанидан имкони борича кўпроқ, чуқурроқ билим ва малака беришга интилади. Бунинг учун у бор маҳоратини ишга солади, изланади, иш услубини такомиллаштиради.

Аммо кўп билим бериш учун кўп вақт керак. Қанча кўп вақт машғулотга ажратилса, ўқувчига шунча кўп билим ва малака берилиши оддий ҳақиқатдир. Ўқувчининг вақти, мактабдаги дарс соатлари эса чекланган.

Худди шу ўринда, ўқитувчиларнинг ўқувчига кўпроқ билим беришдек эзгу интилиши билан ўқувчининг мактабдаги вақти чекланганлиги зид, қарама-қарши келади. Бу қарама-қаршилик, бир қарашда, унча жиддий эмасдек туюлса-да, чуқурроқ ўйлаб қаралса, айнан у мактаб таълимидаги жиддий турган муаммо эканлигини англаш мумкин. Бу қарама-қаршиликни енгиш мумкинми? Бизнинг мулоҳазаларимиз шу ҳақдадир. Бунинг ягона йўли — ўқитилиши зарур бўлган фанларни ва зарур ўқув материалларини аввало аниқ белгилаб олиб ўқитишдир. Хўш, нега зарур деган сифатни қўллаяпмиз?

Бунинг сабаби шуки, мактабда ўқитилаётган фанларни назардан ўтказиб, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, уларнинг ичида ҳаётимизда барча учун бирдек зарур ёки унчалик зарур бўлмаганлари ҳам борлигини кўришимиз мумкин. Биз ўқитган фанларнинг, материалларнинг, биз берган билимларнинг каттагина қисми ўқувчининг кейинги ҳаётида керак бўлмайди. У бу билимларни икки-уч йил ўтгач мутлақо унутади. Шундай экан уларни нега ўқитдик? Унутиш учунми? Бунга ўқувчининг қанча вақти, ўқитувчининг қанча меҳнати, қолаверса, давлатнинг қанча маблағи сарф бўлди. Бари бекоргами? Бунинг ўрнига зарур билимларни чуқурроқ ўқитсак бўлмасмиди?

Бу фикрни бир-иккита фанлар мисолида кўриб чиқсак, ўринли бўлади. Масалан, география фанини, бу фандан мактаб ўқувчисига қандай материаллар ўқитилишини олайлик. География фани 5-синфда "Бошланғич табиий география", 7-синфда "Туркистон табиий географияси" "Ўзбекистон географияси", 8-синфда "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси", 9-синфда "Жаҳон мамлакатлари географияси",10-синфда "Амалий география" каби еттита фанга бўлиб ўқитилади.

Бу фанлар бўйича ўқитилаётган материаллар ғоят кенг билимларни қамраб олгандир. Масалан, "Материклар ва океанлар географияси"да ҳар бир материк ва океан ҳақида батафсил маълумотлар: ҳар бир материкнинг географик ўрни, ўрганилиш тарихи, рельефи, фойдали қазилмалари, иқлими, иқлим минтақалари, дарё ва кўллари, табиат зоналари, ўрмонлари, саванналари, чўллари, аҳолиси, антропоген табиат комплекслари, айрим табиий географик ўлкалар ҳақидаги материаллар майда-чуйда, икир-чикиригача берилган.

Ўқувчига мазкур материкнинг ҳар бир тепалиги, дарахтзори, дарёси, кўли, яшайдиган одамлари, ҳайвонлари, паррандаю даррандаси, ўсадиган ҳар бир бута, экиладиган барча экинлари, уларнинг ҳосилдорлиги-ю, ўстириш усуллари ҳақида батафсил билимлар берилади.

Америка қитъаси икки материкка , жанубий ва шимолий Америкага бўлиб алоҳида-алоҳида ўрганилади. Бизнинг ўқувчиларимизга, эҳтимол, американликларнинг ўзи ҳам яхши билмайдиган материалларни, уларнинг юрти қачон, кимлар томонидан ўрганилган, қанақа кенглик ва параллелларда жойлашган, рельефи, текисликлари қанча майдонни эгаллаши, тоғларнинг баландлиги, кўлларнинг чуқурлиги, дарёларнинг узунлиги, кенглиги қанча, хуллас , ҳаммаҳаммаси ўқитилади.

Шунчалар батафсил маълумотлар ўқувчиларимизга керакми, улар Америкага бориб яшамайди-ку, деб ўйлаб кўрмаймиз. Бизга ҳар жиҳатдан олис ўлкаларни батафсил ўқитмай Ўзбекис-тонимизни, унинг регионлари, вилоятлари, ҳар бир тумани, табиат зоналари, тоғлари, текисликлари, водийлари, чўллари, дарёлари, кўллари, қазилма бойликлари, фауна ва флорасини чуқур ўқитсак, бўлмайдими?

Тарих фанини ўқитишдаги аҳвол ҳам деярли шундай. Тарих бўлгач бу, аввало, инсоннят тарихи эканлиги, инсон зоти пайдо бўлибдики, энг узоқ ўтмишдан ҳозирги кунгача бошидан кечирган барча муҳим воқеа-ҳодисаларни бу фан қамраб олиши ҳаммага аён. Ва биз тарих фанини ўқитганда кишилик жамияти бошидан кечирган барча воқеа-ҳодисаларни қамраб олишга интиламиз. Шу нуқтаи-назардан 5-11 синфларда ўқитиладиган "Жаҳон тарихи" предметини олиб кўриш мумкин. Бу предмет жаҳон тарихига оид барча муҳим-ҳодисаларни имкон борича тўла қамраб олади. Узоқ ўтмиш, узоқ мамлакатлар тарихи ҳақида шундай тафсилотлар ҳам бериладики, бундай тафсилотларнинг келажакда мутахассис тарихчи бўлмайдиган ўқувчи учун қандай аҳамияти борлигига ҳайрон қоласан, киши. Масалан, қадимги Миср ҳақидаги бобни олайлик. Унда қадимги Мисрнинг географик ўрни ва табиий шароити, аҳолиси, унинг машғулотлари, Мисрда дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши, илк подшоликнинг ташкил топиши, унинг равнақи, пирамидалар қурилиши, энг катта пирамида, унинг баландлиги, уни куришга сарфланган харсангтош миқдори, энг кичик тош ва энг катта тош вазни, қанча вақт қурилган, тошлар қандай терилгани, қанча киши ишлагани, ўша даврдаги мулкий тенгсизлик ва табақаланиш, Миср подшоларининг истилолари ва унинг оқибатлари, Миср подшолари сулолалари, ўрта подшолик, ўрта подшолик даврида хўжалик ва ички ҳаёт, меҳнаткашлар ва қуллар қўзғолони, Гиксосларнинг Мисрга бостириб кириши, уларнинг кувиб чиқарилиши, янги подшоликнинг ташкил топиши, янги подшолик даврида Миср қўшини, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо, Миср фиръавнларининг истилочилик юришлари ва ҳоказо, ҳоказолар ҳақида тафсилотларга ғоят бой материал баён этилганки, уларнинг ҳаммасини V синф ўқувчиси ўзлаштириб олиши, умр бўйи эсида сақлаши ва ҳаётда ана шу билиб олганларидан фойдаланиши лозим бўлади. Бошқа боблар ҳақида ҳам шундай гапни айтавериш мумкин. Бундан 3 минг йилдан кўпроқ вақт аввал ҳукмронлик қилган Миср подшоси Рамзес II қанча йил подшолик қилиб, қандай урушлар олиб боргани-ю, олган ўлжалари, қайси маликага уйланганини билиш фарзандларимизнинг билимли, илмли бўлиши учун зарурмикан? Жаҳон тарихини умумий йўналишларда ўрганиб, бунинг ўрнига асосий эътиборни ўз тарихимизни чуқур билишга қаратсак маъқул бўлмасмикан?

Синфлар улғайиши билан ўқувчига берилган билимлар ҳажми кенгайгандан кенгайиб боради ва бу маълум даражадан ошгач, аниқроғи меъёрнинг чўққисига етгач, тескари таъсир кўрсата бошлайди. Шундай экан, ҳар бир ўқувчини қомусий билим эгаси қилиш учун интилиш ўрнига, уларнинг қизиқиши, қобилияти ва мойиллигига қараб бир ёки икки фан бўйича чуқур билимли шахс даражасига кўтаришга интилиш оқилона иш бўлади. Бунинг учун ўқувчи эгаллаши зарур фанлар таркибини аниқ белгилаб олиш ҳар бир фандан ўқитилиши шарт материаллар мажмуини яратиш, меъёрлаш, қисқа қилиб айтганда, танлаб ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Фанлар таркиби ўқитиладиган материалларнинг меъёрга солиниши, ўқитишдаги палапартишликка барҳам беради. Бу ўз навбатда ҳафталик соатлар миқдорини камайтириш учун имкон яратади. Бизнингча, ўқувчининг мактабдаги вақтини белгилашда ҳозиргача амал қилиб келинаётган стереотипдан воз кечиш ва уни уч қисмдан иборат қилиб белгилаш лозим. Биринчи қисм — фанларни ўқитиладиган дарс вақти. Кунлик дарс соатларини , нари борса тўрт соат қилиб белгилаш етарли. Иккинчи қисм жисмоний машқ-лар вақти. Эҳтиёжга қараб жисмоний машқларни кунига академик бир соатгача белгилаш мумкин. Учинчи қисм ўқувчилар қизиқишига қараб жалб қилинадиган тўгарак машғулотлари вақти. Бу машғулотларни ҳар бир фан йўналиши бўйича ҳафтасига белгилаш лозим. Тўгаракларнинг ҳам ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида, пухта ўйланган дастури ва режасини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Чунки ўқувчи ўз интилиши, қизиқиши бўйича фанлардан чуқурлаштирилган билимни ана шу тўгарак машғулотларида олади. Тўгарак машғулотнинг дастури ва ўқув режаси ўқув дарсларини такрорлашга эмас, балки ўқув дарсларида олинган билимларни ривожлантириб, чуқурлаштиришга, кенгайтиришга, ўқувчининг шу соҳадаги иқтидори талабларини қондиришга ва ўқувчини касбий йўналтиришга қаратилиши лозим.

Тўгарак машғулотида қатнашиш ҳам ўқувчи учун дарсга қатнашиш даражасида шарт қилиб қўйилади. Мактаб жамоаси, ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг ўз қобилияти, қизиқиши, интилишига қараб бир ёки икки тўгаракни танлаб олишга кўмаклашиши зарур.

Тўгарак машғулотларида фанлар бўйича чуқурлаштирилган ва йўналтирилган билим бериш тизимига ўтилиши ҳозирги чуқурлаштирилган дастур асосида ишловчи синфлар, бундай синфларга жалб этишда туғилаётган муаммоларга барҳам беради. Тўгарак машғулотларини олиб борувчиларга ҳақ тўлашнинг алоҳида тизимини яратиш ёки дарс соатларига тўланадиган даражада ҳақ тўлашни йўлга қўйиш керак. Чунки тўгарак машғулотлари ўқувчиларни таълимнинг навбатдаги босқичга тайёрлашда ўта муҳим аҳамият касб этади. Ҳар кунги жисмоний машқларни ҳам пухта ўйлаб тузилган дастур асосида ташкил этган маъқул. Бу машқларни эҳтиёжга қараб 30 минутда, 2 марта ёки 1 марта 1 соатлик қилиб ўтказиш мумкин. Бундай машқлар ўқувчининг мактабдаги кунлик вақтидан мустаҳкам ўрин эгаллаши Президентимизнинг соғлом авлодни вояга етказиш ғоясига мос бўлиб тушади ва соғлом авлодни шакллантиришда муҳим воситалардан бирига айланади. Шундай қилиб, мактабда ўқитиладиган фанлар таркибини кўриб чиқиш, ҳар бир фандан ўқитилаётган материалларни илмий асосда меъёрлаш вақти келди. Бу ўқувчининг мактабдаги вақтини тежаш, унинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш, ўқитувчи меҳнатини беҳуда сарфламаслик имконини яратади.

Эштемир НОРБОЕВ,
Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти проректори.

ТАЪЛИМДАГИ ЁШ КУЧЛАР

ёхуд янги ўқув йилида жойларда 13,2 минг нафар ёш мутахассис очиқ юз билан қаршиланаётгани хусусида

Milliy dastur — amalda

Юртбошимизнинг қатор чиқишларида баркамол авлодни тарбиялаш ўқитувчи зиммасида эканлиги, ундан фарзандларимизга замонавий билим беришни талаб қилиниши билан бир қаторда ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, ёшларнинг ўз ишидан мамнун бўлишини таъминлаш, педагог-мутахассис сифатида шаклланишига шарт-шароитлар яратиб бериш лозимлиги қайта-қайта таъкидланаётир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг педагогик лаёқат ва ўқитувчилик касбига мойиллигини аниқлаш, шунингдек, уларни касбга қадар педагогик мутахассисликларга тайёрлаш, республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларини педагогик мутахассисликлар бўйича битирган ёшларни таълим муассасаларига ишга жойлаштириш, педагогик фаолият ва мактаб ҳаётига мослашишга ёрдам бериш, уларнинг касб-маҳоратини ошириш ҳамда бу мутахассисларни қўшимча ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. ХТВнинг ҳайъат мажлисида тасдиқланган "Ёш педагоглар билан ишлаш дастури" ҳаётга кенг миқёсда татбиқ этилаётир. Қувонарлиси, жойларда масъулиятли касб этагидан тутиб, эзгу ниятлар билан мактабга илк қадам қўйган ёш ўқитувчилар очиқ юз билан қаршиланиб, уларнинг касб масъулиятини юракдан ҳис қилишлари учун яхши анъаналар шакллантирилаяпти.

Сирасини айтганда, истиқлолимизнинг 9 йиллик тантаналари билан бошланадиган янги ўқув йилида 13,2 минг нафар ёш мутахассис таълим тизими муассасаларида меҳнат қилаётган 500 минг кишидан ортиқ педагоглар жамоасига келиб қўшиладилар. Вазирлигимиз ташаббуси билан уларни тантанали кутиб олиш ва ўша ерда муқим ўрнашиб қолиши учун қатор амалий чора-тадбирлар белгиланаётир. "Ёш педагоглар билан ишлаш дастури"га биноан анъанавий август кенгашларида ёш мутахассисларнинг қасамёд қабул қилиш маросимини ташкил этиш, тегишли муассаса жамоаси билан таништириш шулар жумласидандир.

Муҳими, жойларда ёш мутахассисларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлаш, етук кадр бўлиб шаклланишида шарт-шароитлар яратиб беришга кенг ўрин берилаётгани ибратлидир. Масалан, Тошкент шаҳрида ҳар янги ўқув йилининг 11-15 сентябрь кунлари шаҳар мактабларида фаолият кўрсатаётган ёки эндигина иш бошлаган ёш мутахассислар учун ҳафталик методик ўқув ташкил этилади. Унда халқ таълими бошқармаси ходимлари ўқитувчилар билан чин дилдан суҳбат ўтказади, уларнинг муаммолари билан қизиқади. Кези келганда, ёшларга имтиёзлар бериш тўғрисида туман ХТБ раҳбариятларига зарурий кўрсатмалар беради.

Худди шунингдек, Андижон вилоятида ўтказилаётган тадбирлар, учрашувлар ҳам ёш мутахассислар руҳиятини кўтармоқда. Ёш мутахассисларга тажрибали ўқитувчилар бириктирилиб, янги педагогик технологиялар асосида кўргазмали машғулотлар ташкил қилинади. Муҳими, вилоятнинг туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг анъанавий август кенгашларида ёш мутахассисларнинг қасамёд қабул қилиш маросимлари ўтказилади, шу куни уларга тантанали равишда меҳнат дафтарчалари топширилади.

Қашқадарё вилоятида эса ёш ўқитувчилар учун долзарб бўлган масалалар бўйича машғулотлар ташкил этиш анъанага айланмоқда. Жумладан, "Ёш ўқитувчиларнинг иш ҳужжатлари", "Тарбиявий соатлар қандай ўтилади?", "Ота-оналар мажлиси қандай ташкил этилади?", "Синфдан ташқари тадбирлар қандай ўтказилади?", "Синф журналлари юритилиши", "Компьютер ва тўгарак машғулотлари", "Техника воситаларидан фойдаланишда нималарга эътибор қаратилади?" каби амалий машғулотлар кўргазмалилик асосида намойиш этилади.

Шунингдек, Самарқанд вилоятида "Мураббий — шогирд" йўналишидаги ишлар, Наманган вилоятида "Ёш ўқитувчилар ва мураббийлар клуби"нинг ёш мутахассислар ва устоз-мураббий ҳамкорлигини мунтазам йўлга қўйиш борасидаги ҳаракатлари эътиборга моликдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш, маънавий етук, юксак касб-маҳоратга эга янги педагоглар авлодини тарбиялаш, ҳар бир ёш педагогларнинг қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш, маънавий-маърифий эҳтиёжни қоплашга қаратилган ишларни ҳам амалга ошириш зарурати туғилмоқда. Шунингдек, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида педагог кадрларни янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан фаолият кўрсатишларини таъминлаш ҳам бош вазифамиз бўлиб қолаверади.

Баҳодир ШАМСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Кадрлар бошқармаси бошлиғи

МАНФААТ – МАҚСАД – ҲАРАКАТ МУШТАРАКЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

МАҚСАД

Умуммиллий манфаат умуммиллий мақсадга айланиши миллий бирликнинг иккинчи босқичини англатади. Зеро, умуммиллий манфаат умуммиллий мақсадсиз мавжуд бўлиши мумкин, бироқ умуммиллий мақсад англанган умуммиллий манфаатсиз мавжуд бўла олмайди.

Умуммиллий мақсад — умуммиллий манфаат билан умуммиллий ҳаракатни боғловчи кўприкдир. Демак, Ўзбекистон халқининг умуммиллий мақсади — буюк давлатни қуриш ва авлодларнинг унда бахтиёр яшашини таъминламоқдир. Умуммиллий манфаат аниқ. Бу манфаатни қондирувчи мақсад сари умуммиллий ҳаракат нималардан иборат бўлмоғи керак? Ҳар биримиз бунинг учун ўзимиздан қандай аниқ хатти-ҳаракатлар талаб қилинишини билмоғимиз керак. Мисол: сайёҳлар Токио электропоездларидан бирида бир кекса япон аёлининг йиртилган ўриндиқни ямаб кетаётганлигини кўришади. Йўловчилар аёлдан:

—Бунинг сизга нима кераги бор? — дейишганида, у жилмайиб:

—Ахир, бу Японияники-ку, — деб жавоб беради.

Ўзаро рақобатдаги фирмаларнинг Япония манфаатига тегишли масалаларда гина-кудуратни унутиб, бирданига бирлашиб кетишлари ёки Америкада ҳар бир хонадонда миллий байроқнинг борлиги, ҳар бир фуқаронинг миллий мадҳияни ёддан билиши, футбол командаси ғалабаси кўчаларда умумхалқ байрамига айланиб кетиши, миллий валюта қадрини тиклаш учун Жанубий Корея аёлларининг ўз тилла тақинчоқларини номаълум муддатга давлат ихтиёрига топшириши ва ҳоказолар миллий бирликнинг юксак намуналари хорижда ҳам борлигини кўрсатади. Кўриниб турганидек, миллий бирлик туйғуси бир кишининг мустақил, беғараз ташаббусида япон аёли, оила маънавиятида АҚШ оиласи тадбиркорликда ва умуммиллий даража(Корейс аёллари)ларда намоён бўлиши мумкин. Бунинг учун миллий манфаат, мақсад шахсий манфаат ва мақсад билан уйғунлигига эришмоқ лозим. Яъни шахснинг (кўп маблағ ишлаш) мақсади миллий (менинг меҳнатим миллий давлатимни буюк қилади) мақсад билан уйғунлигини англатиши зарур.

ҲАРАКАТ

Агарда амал қилинмаса, умуммиллий манфаат, мақсаднинг ойдинлиги ҳам миллий давлатимизни буюклик мақомига кўтариб қўймайди. Бунинг учун 24 миллионлик Ўзбекистон халқи англаган манфаат, мақсад билан ҳаракатга келиши керак. Миллий ҳаракат ҳам стихияли, бир маротабалик ёки ташкиллашган, мақсадга йўналтирилган, доимий, уюшган, мувофиқлашган бўлиши мумкин. Тарихимизга қарасак, миллат бошига тушган энг фожиали кулфатлар унинг ҳаракатидаги тарқоқлик туфайли содир бўлганлигини кўрамиз. Миллий тарқоқлик Чингизхон ёки бошқа мустамлакачиларга қўл келди. Маънавий қудрати кучли миллат ўз кучларини бирлаштира олмаганлиги — бирлашмаганлиги туфайли мустамлакага айланди. Тарихдан холис хулосалар чиқариш ва бу хулосаларга амал қилиш дастлаб фикрда ва ундан келиб чиқувчи — ҳаракатдаги бирликни тақозо қилади.

Ўзбекнинг ўз давлатига муносабатини қандай шакллантиришни унинг ўз оиласига муносабатидан ўрганмоқ керак. Маълумки, оила манфаатига, маънавиятига, мулкига, ички муносабатларига зарарли хатти-ҳаракат, қилиқ, сўзга катта-ю кичик ҳар бир оила аъзоси шу заҳотиёқ қарши туради, қайтаради. Оилага фойдалилари рағбатлантирилади. Оила — кичик давлат, деган умум эътирофни назарда тутсак, миллий давлат — катта оила бўлиб чиқади. Демак, ҳар бир ўзбек, ўзбекистонлик миллий, яъни ўз давлати учун зарарли хатти-ҳаракат, қилиқ, сўзга қарши турмоғи, фойдалиси учун бир-бирини рағбатлантирмоғи керак.

Бу ўз-ўзидан юзага келмайди. Давлат ва унинг вакиллари — катта-ю кичик раҳбар кадрлар ушбу миллий тарбиявий қоиданинг моҳиятини чуқур англашлари ва шахсий намуна кўрсатишлари керак. Ана шунда "Бизнинг оила" муносабатлар тизими "Бизнинг давлат" даражасига кўтарилиб, ҳар бир ўзбекистонлик бир оила аъзосига, бир-бирининг "жигари"га айланади. Бундай оила аъзолари миллат, давлат манфаатлари, мақсадларига зид иш хатти-ҳаракатлар, қилиқ, муомалага қарши туриб, фойдалиларини рағбатлантиради. Пировард натижада эса, миллий давлат — буюк давлатга айланади.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

(ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ 2000 ЙИЛ АНЪАНАВИЙ

ҒАРБИЙ ЕВРОПА ТИЛЛАРИ

2000 йилги анъанавий август кенгашларининг шўъба йиғилишларини Ғарбий Европа тиллари ўқитувчилари таълим ва тарбияга оид қуйидаги мавзуларда давра суҳбатларини ўтказиш билан бошлайдилар:

— Давлат таълим стандарти;

— V-VII синфларда янги ўқув дастурларидан фойдаланиш;

— Яратилган янги ва мавжуд дарслик ҳамда қўлланмалар. Уларни дарс жараёнида қўллаш ҳақида;

— Амалдаги ўқув дастурларидан VIII-XI синфларда фойдаланиш;

— Ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш;

— Соғлом ва баркамол авлод — бизнинг келажагимиз ва ҳ.к.

Давлат таълим стандарти асосида яратилган янги ўқув дастурларини жорий йилда амалиётга татбиқ этиш муддати қуйидаги босқичларда белгиланган:

— 1999-2000 ўқув йили, 5-6—синфлар;

— 2000-2001 ўқув йили, 7-синф;

— 2001-2002 ўқув йили, 8-синф;

— 2002-2003 ўқув йили, 9-синф.

Янги ўқув дастури (таълим ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган) умумий ўрта таълим мактаблари учун ягонадир.

Амалдаги дарсликлар юқорида қайд этилган янги дастурларга кўп жиҳатлари билан мос келмайди. Шу сабабли янги дастурлар дарсликларни қайтадан яратишни тақозо этади.

Бундан кейин яратиладиган дарсликлар ушбу дастур асосида фақат хорижий (олмон, инглиз, француз ёки испан) тилда ёзилади ҳамда таълим ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб бориладиган мактабларда қўлланилади.

Айрим дарсликларнинг эскирганлиги ва 2000-2001 ўқув йилидан V-VII синфларда янги ўқув дастурига ўтиш бир қанча саволларни вужудга келтиради. Жумладан:

— янги ўқув дастури бўйича қайси синфларда дарс ўтилади?

— қайси синфларда амалдаги дастурдан фойдаланилади?

— қайси дарслик ва қўлланмалар қўллашга тавсия этилган?

— қайси мавзуларни ўтишда "Миллий мафкура, миллий ғоя"га кўпроқ эътибор бериш керак?

— амалдаги қайси дарсликларга қўшимча материаллар берилади? ва ҳ.к.

Бу саволлар ушбу тавсияномада қайд этилган материаллардан ҳамда ўқитувчиларнинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда август кенгашларида батафсил ҳал этилиб, ечимлари барча ўқитувчиларга етказилади.

Таълимда янги лотин алифбосига ўтилиши муносабати билан ўзбек тили имлосида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан:

— рус тилида: Немецкий язык, Ташкент, Узбекистан, Самарканд, Республика Узбекистан (Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши харитасининг номи);

— ўзбек тилида: Немис тили

— олмон тилида: Taschkent, Usbekistan, Samarkand, die Republik Usbekistan;

— француз тилида: Tachkent, Ouzbekistan, Samarkand;

— инглиз тилида: Tashkent, Uzbekistan, Samarkand, Republic of Uzbekistan ва ҳоказолар деб ёзилган.

Ҳозирги кунда бу атамалар ўзбек тилининг лотин алифбосида Olmon tili, Toshkent, O'zbekiston, Samarqand, O'zbekiston Respublikasi (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва Давлат кадастри Бош бошқармаси томонидан тасдиқланиб, 1999 йил Тошкент картография фабрикаси томонидан тузилган ва нашр этилган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига оид харитаси) кўринишида ёзилмоқда.

Юқоридаги хилма-хилликларни тартибга келтириш ва ёшларимизни Ватанни севишга ўргатиш, Ватанга садоқат ва муҳаббат уйғотиш руҳида тарбиялашга, бир сўз билан айтганда, ўқувчиларнинг онгига "Миллий ғоя"нинг бошланғич дебочалари бўлмиш Ватанимизга оид Toshkent, O'zbekiston, Samarqand, O'zbekiston Respublikasi ҳамда миллатимиз шаънини жаҳонга таратадиган "Kurash" каби атамаларни барча хорижий тиллар (ёзув)да бир хил берилишини, бир хиллик қийин деб топилган тилларда эса бундай атамаларнинг фонетик транскрипциясини беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида ўргатиладиган республикамизнинг давлат тизими, халқимизнинг урф-одатлари, байрамлари, машҳур кишилари, спорти, диққатга сазовор жойлари ва бошқа мавзулардаги дарсларда "Миллий ғоя ва мафкура" ўзининг мукаммал ифодасини топиши ҳозирги куннинг долзарб талабидир.

Янги ўқув дастурларидаги материаллардан фойдаланадиган V синф учун ҳафтасига 3 соат, VI синф учун 3 соат, VII синф учун ҳам 3 соат ажратилган бўлиб, ҳар бир синф учун мавзулар грамматик ва нутқ фаолияти турлари, шунингдек, лексик бирликлар аниқ қилиб берилган. Янги дастурдан нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам мустақил фойдаланишлари мумкин.

Амалдаги ўқув дастурлари VIII-XI синфларда қўлланилади.

Дарс ўтишда қуйидагилар тавсия этилади:

ОЛМОН ТИЛИ

V синф учун "Deutsch" дарслиги "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилади.

VI синф ўқувчилари Т.Очилов муаллифлигида ёзилиб, республика Таълим маркази-да (таълим ўзбек, рус, қозоқ ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун) 1999 ва 2000 йилларда нашр этилган "Deutsch" матнлар тўплами қўлланмасидан дарслик учун фойдаланадилар.

VII синф ўқувчилари учун "Deutsch" синов дарслиги нашр этилади.

V-XI синфлар учун олмон тилидан тахминий режалаштириш, VI синф қўлланмаси ва VII синф дарслигига буюртмалар республика Таълим марказига берилади.

Юқоридаги V ва VII синф дарсликлари ҳамда VI синфга мўлжалланган қўлланма янги ўқув дастури талабига мос-дир.

1999 йили VI-XI синфлар учун нашр этилган "Олмон тилидан тахминий режалаштириш" 2000 йилда янги дастурга асосан тўлдирилади. Режалаштиришга асосан V, VII синфларда янги дарсликлардан, VI синфда қўлланмадан, VIII-XI синфларда эса мавжуд дарслик ва адабиётлардан (турли адабиётлардаги материаллар танлаб олинади ва тақсимланади) фойдаланилади.

ИНГЛИЗ ТИЛИ

Янги дастур асосида V синф "Инглиз тили" дарслиги нашр этилади. VI синф дарслиги тайёрланмоқда. 1999 йил лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида қайта нашр этилган VI синф ҳамда 2000 йилда VII синф учун қайта нашр этиладиган "Инглиз тили" дарслигидан янги ўқув йилида фойдаланилади. Шунингдек, VI-IX синфларга мўлжаллаб, дарслик материалларидан келиб чиққан ҳолда яратилган тестлар тўпламидан (республика Таълим маркази томонидан тайёрланган) дарс жараёнида ўқувчилар билимини назорат қилишда фойдаланиш тавсия этилади. VIII синфда амалдаги дарсликдан, IX-XI синфларда (муаллиф Ж.Жалолов) "Инглиз тили" қўлланмаларидан фойдаланилади.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

"Алпомиш" ва "Барчиной" тестлари жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишга доир билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллаши, шунингдек, гигиена ва инсон хавфсизлиги асослари юзасидан назарий ҳамда амалий машғулотларни назарда тутади.

Ёшларимиз мустақил ҳаётда касб-ҳунар эгаллаб, оддий буюм ясаш, мураккаб бирикмаларни тузишда "оддийдан мураккабга" тамойилига риоя қилишини тавсия қиламиз.

Maktabgacha ta'lim

ЎЙИНЧОҚЛАРИ КЎП МАСКАН

Кимдир биринчи марта қаергадир борса ўша ердаги кўзга яққол ташланиб турадиган бир жиҳатни ёдида сақлаб қолади. Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Шоличилик институти тасарруфидаги «Ниҳол» номли мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда бизни ҳайратга солган нарса, бу ердаги турли-туман ўйинчоқларнинг кўплиги бўлди. Барча ўйинчоқлар, коса-товоқчалар, турли кўринишдаги қўғирчоқлар, «Совпласти-тал» қўшма корхонаси маҳсулоти бўлган эртак қаҳрамонларининг қуйма ҳайкалчалари, катта-кичик коптоклар, ҳамма-ҳаммаси чиройли қилиб териб қўйилган. Дастлаб берган саволим ҳам шу бўлди.

— Бу масканда болажонларга мазза экан. Ўйинчоқлар бунча кўп. Бу нарсаларга маблағни қаердан оласизлар?

Мактабгача таълим муассасаси мудираси Саломат Ибрагимова саволларимга қуйидагича жавоб берди.

— Бу маскан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли бўлиб, иқтисодий муаммоларимизни вазирлик ҳамда Ўзбекистон Шоличилик институти ечиб беради. Ўрта Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими эса бизни методик тавсиялар, услубий қўлланмалар, етук тарбиячилар билан таъминлайди. Ҳар икки томоннинг ёрдами туфайли бу даргоҳда жажжи ўғил-қизларимиз мазмунли ҳордиқ чиқариб, жуда кўп нарсаларни ўрганиб, камолга етмоқдалар. 140 нафар тарбияланувчи 6 гуруҳга бўлиниб, машғулотларда қатнашадилар. 6 нафар олий маълумотли тарбиячи уларга билим бермоқда. Энди ўйинчоқлар ҳақидаги саволингизга келсак, бу ўйинчоқларнинг кўп қисмини «Совпласти-тал» қўшма корхонасидан олган бўлсак, кўп қисмини бозорлардан ўзимиз сотиб олганмиз. Фақат ўйинчоқлар учун «Соғлом авлод йили»да бир миллион сўмлик маблағ сарфладик. Бундан ташқари боғчада «Монтессори материаллари»дан фойдаланишни ҳам яхши йўлга қўйганмиз. Кичкинтойлар боғчада рангларни, шаклларни, турли-туман нарсаларни фарқлашни ўрганадилар.

Гуруҳлар учун мўлжалланган хоналар саранжом-сариштa, озода, дам олиш учун мўлжалланган каровотчаларда оҳорли чойшаблар, ҳожатхона, қўл ювиш учун

керак бўладиган мосламалар ҳам болажонлар учун қулай қилиб қурилган ва жиҳозланган. Ҳар бир қўл ювувчининг алоҳида сочиғи ва совуни борлиги ҳам бизни қувонтирди. Бундай сарištaликни кўриб «бу даргоҳ яқинда фойдаланишга топширилган бўлса керак», деб ўйладик. Мактабгача таълим муассасаси 1950 йилда ташкил этилган экан. Ҳар йили таъмирланганлиги ва бу ерда ишлаётганларнинг саъй-ҳаракатлари билан боғча биноси янги қурилгандек кўринар экан.

Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу ерда ҳар бир кичкинтой мактабгача таълимни олишади. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, бино шунча чидамли бўлади. Бу ерда ўрганилган билим, болажонларнинг бошланғич таълимни олишларида ёрдам бериши керак.

«Ниҳол»да кичкина ниҳолларимиз улғаймоқда. Уларни парваришлашда, тўғри тарбиялашда тарбиячиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Суратларда: боғча ҳаётидан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ҲАР БИР ДАРС — САНЪАТ АСАРИ

Шаҳрисабз туманидаги 86-ўрта мактабда бир ўқитувчи бор. Ўз касбини жону дилидан севади. 13 йилдан буён ўқитувчилик касбини ардоқлаб келади. Дилноза мактабга келган йилларда аввал кекса ўқитувчилардан дарс бериш услубини ўрганди. Дилнозанинг дадаси Олимжон Қобилов ҳам тил-адабиётдан дарс берган. Онаси Махфират Исоқова ҳам муаллима, опалари Ҳулкар, Шоира, Дилфуза ҳам шу касбни эгаллаган. Акаларининг ҳам асли касби ўқитувчилик.

Бир сўз билан айтганда, Дилноза ўқитувчилар оиласида ўсиб-улғайди. Шу касбга меҳрини берди. Болалар билан ишлаш жону дили. Ўқувчиларни рус тилида эркин сўзлашга ўргатади. Мулоқот қилади, баҳслашади. Тил билган дил билади нақлига амал қилиб яшайди ва ишлайди. Болаларнинг ўзини эркин тутиб, мустақил фикрлашига катта эътибор беради. Хориж адабиётини кўп мутолаа қилган. Ишдан бўш пайтларида ўқиб-изланади. Унинг битта одати бор, ҳақсизликни ёмон кўради. Бу хусусияти балки кўпчиликка ёқмас. Лекин, у рост гапни айтишга ўрганган.

Бизнинг диққатимизни тортган, суҳбатлашишга ундаган ҳам Дилнозанинг ана шу хислати бўлди.

— Дадамиз бизни тўғри сўзни айтишга ўргатган, — дейди Дилноза. — Болаларга сабоқ берадиган муаллимнинг ёлғон сўзлаши билан чиқиша олмайман. Кўпгина ўқитувчилар, дарсга тайёрланмай ҳам кириш мумкин, деб ўйлайдилар. Менимча, бу фикр нотўғри. Ҳар бир дарсдан ўқувчи нимадир олиши, нимадир ўрганиб чиқиши керак.

Таниқли педагоглардан бири: "Ҳар бир дарс санъат асари билан тенг бўлмоғи лозим", деган эди. Дилноза ана шунга интилади. Ўқувчиларга илм беришга, уларни адабиётга ва демакки, яхшиликка ошно этишга ҳаракат қилади. Болалар меҳри билан яшаб, болаларга меҳр улашаётган Дилноза Олимжонованинг ёш қалбларга эканётган эзгулик ниҳоллари бир кун самара бериши, шубҳасиз.

Абдурахмон ЖЎРА

ТИЛ- ДАРЁ

А

Акция — 1. Акция (французча action — қимматли қоғоз, лотинча actio — ҳаракат).

2. Ҳаракат (масалан, русчада «акции протеста» — ўзбекчада «норозилик ҳаракати». Акция сўзи ҳам аслида 2 маънога эга.)

Акционер — Акциядор (акция сўзидан ясалган), ҳиссадор. Ҳозирги пайтда акциядорга муқобил тарзида ҳиссадор сўзи ҳам кенг қўлланиб келмоқда. (Масалан, акциядорлар жамияти — ҳиссадорлар жамияти).

Алимент — Алимент (лотинча alimentum — қарамоғидаги, боқимидаги). Бу сўзнинг «нафақа» тарзида ишлатилиши тўғри эмас.

Альтернатив — Муқобил.

Амнистия — Амнистия (юнонча amnestia — кечириш, авф этиш).

Бу сўзнинг адабиётларда (тарихий) авфи умумий варианти ҳам бор.

Аппарат — 1. Девон (Президент девони).

2. Аппарат (лотинча apparatus — ускуна). Техника соҳасида ишлатилади.

Апелляция — 1. Апелляция (appelatio — мурожаат, шикоят).

Апелляция суди, апелляция комиссияси.

2. Шикоят (қуйи суд қарори ҳақида юқори судга берилган шикоят).

Археология — Археология (юнонча archaios — қадимий — logos — тушунча, таълимот). Бу атамани қадимшунослик деб қўллаш археология сўзи англатган, яъни моддий бойликлар асосида инсоният — хизмат жойи). Бу атамани ҳужжатхона, ҳужжатасров тарзида ишлатиш архив англатган маънони бера олмайди.

Аттестация — Аттестация (лотинча attestatio — гувоҳнома). Уни малака — синов тарзида қўллаш нотўғри. Чунки аттестацияда фақат малака синалмайди, балки унинг билим даражаси, хулқи ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади.

Аудитор — Аудитор (лотинча auditor— тингловчи). Бу терминнинг тафтишчи деб берилиши тўғри эмас. Чунки аудитор хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини мустақил равишда экспертиза ва таҳлил қилади.

(Давоми. Боши газетамизнинг 15 июль сонида).

(Давоми бор)

БУ СИЗГА АСҚОТИШИ МУМКИН

Usta bobo tavsiyalari

Маълумки, Давлат таълим стандартларига кўра, меҳнат таълимининг йўналишлари мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-ҳунар коллежларида кенг тарқалган соҳалар, касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра, ҳар бир мактабда меҳнат таълимининг ёғоч ва унга ишлов бериш технологияси; металл ва унга ишлов бериш технологияси; газламага ишлов бериш технологияси; пазандачилик асослари; қишлоқ хўжалиги асослари ва бошқа йўналишлар асос қилиб олиниши мумкин.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан материалшунослик асослари; асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва ишлатиш усуллари; машина, механизм, станоклар ва мосламаларнинг умумий тузилиши ва ишлатиш асослари; маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси; халқ ҳунармандчилиги касблари бўйича умумий маълумотлар бериш ва ўзаро турдош учта касб йўналиши бўйича касбгача тайёргарликни амалга ошириш бўлимларида ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

Бугун биз сизларни олий тоифали меҳнат ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси, услубчи муаллим Анвархон Аҳмадқори ўғлининг кўп йиллик меҳнат тажрибасига суяниб, шаҳар, вилоят, республика ўқитувчилар малакасини ошириш олий илмгоҳларига малака ошириш учун келган меҳнат таълими муаллимлари, ишлаб чиқариш таълими усталари билан ҳамкорликда тузган мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳларида, умумтаълим мактабларининг бошланғич, 5—11-синфларида, ёшларга касб-ҳунар ўргатувчи ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув даргоҳларининг қурилиш, архитектура йўналишларида қўлда ва дастгоҳларда буюмлар ясаш учун миллий режалар асосида тайёрланадиган буюмларнинг тахминий рўйхати билан таништирамиз.

Мақсад ҳунар таълими бўйича миллий дастурларни тузаётган муаллифларга ёрдам беришдир. Ёшларимиз мустақил ҳаётда касб-ҳунар эгаллаб, оддий буюм ясаш, мураккаб бирикмаларни тузишда "оддийдан мураккабга" тамойилига риоя қилишини тавсия қиламиз. Домла бисотида ушбу рўйхат бўйича ҳар бир ясалиган буюмларнинг кичик ҳажмдаги чизмалари, тайёр ҳолатдаги макетлари ҳам мавжуд. Мазкур дастурни меҳнат таълими йўналишида меҳнат қилаётган ўқитувчилар, изланиб юрган олимлар, дарслик ёзаётган муаллифлар, амалиётчиларга тақдим этиш баробарида, сиз азиз муштарийларимиздан дастур бўйича фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 5—11-СИНФЛАРИДА, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ҚУРИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ҚЎЛДА ВА СТАНОКЛАРДА ЯСАШ УЧУН ЗАРУР БУЮМЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

1. Оддий теша, болта, кетмон, курак, ўроқ дасталари.
2. Ейғич ўқлови, чакич, жўва, қозон қопқоғи.
3. Хонтахталар, 2 хили (4 бурчакли, доиралар), жим-жимали оёқлари билан.
4. Ёғоч тўқмоқлар (4 бурчакли ва думалоқ шакллари).
5. Сабзавот тахтачалар (5 хил кўринишда).
6. Оштахта.
7. Елпиғич (рейка ва газмол, бахмалдан).
8. Кийим илгичлар (5 хил кўринишда).
9. Пол артгичлар (6 хил ихтиролаб чиқиш)
10. Ўтиргичлар (7 хил ихтиролаб чиқиш).
11. Ёғоч сўри (миллий каравот).
12. Қути.
13. Сандиқ, ихчам кўринишда тайёрлаш.
14. Беланчак (3 хил кўринишда).
15. Бешик.
16. Тартарак (чуғурчуқ ҳайдашда).
17. Шамдон.
18. Қаламдон (2,3,4,5 қиррали).
19. Магнитли ёғоч тўқмоқча (болтача).
20. Пишган гўшт тўғрагич.
21. Китоб қўйгич (лавх)
22. Дазмол қилиш тахтаси.
23. Суяниб ўтиргич (диван, кресло модели).
24. Ўгир (кели) соли.
25. Ҳавонча.
26. Кува-гув.
27. Омоч.
28. Жувоз (модели).
29. Чархпалак.
30. Эгар.
31. Челакчалар.
32. Куракча, ҳокандозчалар (3 хил).
33. Бўйинча (хомут).
34. Нақшли қутича.
35. Саватчалар (14 хили).
36. Чойнак қўйгич (румба, учбурчакли доира шаклида).
37. Вазача (бонкадан ясаш).
38. Шашка, домино, шахмат доналари ва тахтасини ясаш.
39. Ёғочни ишлаш станогини қўлда тайёрлаб (электр токсиз ишлайди) ишлатиш (тизгин ёрдамида).
40. Қирмалар.
41. Бус, кулчалар, кокил.
42. Панжаралар (бешик қўғирчоғи).
43. Андозалар.
44. Дастгоҳ (ихчам кўринишда). Верстак 2 хили.
45. Курси (танча).
46. 3,4,6,8 қиррали бадиий нақшли курсилар (фанер, картон, юбка тахтадан). Алломалар замонасига хос. а) Акробат қизиқчи-ўйинчоқлар.
47. Хаткашлар (3 хил кўринишда).
48. Гониялар.
49. Ёғоч хаскаш, поракаш, курак.
50. Дасталар (стамеска, искана, новстамескаларга ва эговга).
51. Нон, сабзавот, мева сават.
52. Тўсқичлар (девор, товуқ, қўй четанлари).
53. Керагалар.
54. Урчуқ-чарх.
55. Самовар, карнай, печ трубалари.
56. Оддий бошқотиргичлар (сим рейкадан). а) Электротехника ишлари: муаммоли, топишмоқли 15 рақамли мавзу (15 та деталь номи).
57. Гултувак қўйгич. Бадиий, ирмоқли шаклда.
58. Порсаки (стусло).
59. Бадиий нақшли суянгич — тахтасимон кўринишда.
60. Дазмол остига қўйгич.
61. Чанг чалгич асбоби.
62. Замбилғалтак (михсиз).
63. Елим идиш — капкирча.
64. Бурч арра ясаш (полотнога) асослаб.
65. Искана (эшик-ромпортретга).
66. Дераза, кичик ҳажмда.
67. Эшик, кичик ҳажмда.
68. Шовун-шайтон.
69. Скоба-темир парча (найзали ушлагичча).
70. Ошиқ-мошиқлар.
71. Дераза-эшик дасталари (темир, қирма ёғочдан).
72. Қалам, қошлар.
73. Суврат қўйгич (елимда).
74. Гишт қолипи.
75. Човли, капкир, варақи кесгич.
76. Пойтеша, чўмич, қошиқ.
77. Лўбзик билан 20 хил андозани 10 хил қушлар, 10 хил ҳайвонлар шаклини чизиб, картон-фанердан тайёрлаб арралаш.
78. Қошиқ ўйиш.
79. Ихтиролаш — ҳар хил буюмларни ихтиролаб буюм ясаш, фикрлаш, ўйлаб топиш.

Анвархон Аҳмадқори ўғли,
услубчи муаллим

XXI АСР БЎСАҒАСИДА

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА ТАВСИЯЛАР)

ФРАНЦУЗ ТИЛИ

Француз тилидан V-VII синф дарсликлари янги лотин алифбосига ўгирилиб, қайта нашр этилиши "Ўқитувчи" нашриёти томонидан режалаштирилган. Уларга янги дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда республика Таълим маркази тиомонидан 1999-2000 йилларда тайёрланган қўшимча (3 та) "Le Francais" қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

VIII синфда эса амалдаги дарсликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. IX, X, XI синфлар мавжуд дарсликлардаги республикамизнинг миллий мафкурасига мос келадиган материаллардан ҳамда француз тилидан республика Таълим маркази томонидан 1998-99 йилларда тайёрланиб, нашр этилган учта (француз тилидан 5-6, 7-8, 9—11-синф дарсликларига қўшимча) қўлланмадан фойдаланади.

Республикамиз мустақилликка эришгунга қадар, кўп йиллар давомида ўқитувчи дарс жараёнида фаол, ўқувчи эса пассив, таълим жараёнининг субъекти бўлиб келди. Шу сабабли ҳанузгача "хорижий тил"дан "аъло" ва "яхши" баҳо олган ўқувчилар хорижий тилда оғзаки ёки ёзма мулоқот қилишга қийналадилар. Ўқитувчилар бу йилдан бошлаб янги ўқув дастури ва яратиладиган янги дарсликлар ёрдамида ўқувчиларни ўқишга ўргатиш билан бир қаторда оғзаки ҳамда ёзма мулоқот қилишга ўргатадилар.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ҳозирги кун талабларидан биридир. Таълим жараёнида ўқувчи фаол шахс сифатида ўзи изланиши, воқеа-ҳодисаларни кузатиб, мустақил фикрлаши ҳамда ўз фикрини умумлаштириб, хорижий тилда равон билдира олиши (юқори синф ўқувчилари) лозим. Ўқитувчи эса, ўқувчини шунга йўналтиради, кам сўзлаб, кўпроқ ўқувчиларни мулоқот қилишга ўргатади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Республикамиз умумтаълим мактабларида кўзга кўринарли ишлар қилиняпти. Анъанавий Август кенгашида таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг давом этаётганлиги ҳақида тўхталиб, миллий ғоя ва миллий мафкуранинг жисмоний тарбия дарси жараёнига сингдирилиши, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг жойлардаги ижросини таъминлаш борасида режа ишлаб чиқилиши, шунингдек, Сиднейда бўладиган XXVII Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг қай даражада иштирок этишлари хусусида, ДТС, тажриба-синовдан ўтган дастурларни амалга ошириш ҳақида тўхталиш керак.

"Ўзбекистон ифтихорлари"дастуридаги мавзулар (1—5-синф) дарс жараёнида ўқитиладиган спорт турларининг назарий маълумотлар таркибида ўтилади.

Футбол интернатлари (5—6-синф) дастурида кўрсатилган соатлар ҳисобида ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимум талаблари ҳамда "Инсон хавфсизлиги асослари" ўқув дастурини умумий ўрта таълим мактабларида бажаришни таъминлаш қуйидагича бўлади:

Ўқув йилининг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб жисмоний тарбия фани дастури таркибига 1—4-синф ўқувчилари учун 6 соат, 5—7-синф ўқувчилари учун 8 соат киритиб ўқитилади.

10—11-синфлар эса 1993 йил нашр этилган ЧЕТ дастури асосида ишланади.

Янги дастурга биноан, сентябргача 1—4- ва 5—7-синфлар учун ўқув қўлланмалар чиқариш мўлжалланган. Бу қўлланмаларда 4-синфдан бошлаб футбол спорт турининг техникасини ўргатиш, қиз болаларга эса шу вақтда миллий рақслар, ритмик гимнастика, миллий ҳаракатли ўйинларнинг мазмуни ва дарс ўтказиш услубияти очиб берилган.

Маъруза қилувчиларнинг диққати янги педагогик технологияларга қаратилиши, рейтинг назорат тизимидаги натижалар (ўқитувчининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда)ни тинглаш фойдалидир.

"Соғлом авлод йили"га бағишланган чора-тадбирлар, мусобақалар, давра суҳбатлари ва кечалар тўғрисида тўхталиб, Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ва жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш учун ишлаб чиқилган "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестлари билан ишлаш ҳам муҳим. Жисмоний тарбия ўқитувчилари ўқув жараёнига тестларнинг меъёрий талабларини олиб киришни таъминлашга эришишлари лозим.

"Алпомиш" ва "Барчиной" тестлари жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишга доир билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллаши, шунингдек, гигиена ва инсон хавфсизлиги асослари юзасидан назарий ҳамда амалий машғулотларни назарда тутади.

Жисмоний тарбия фанининг шўъба ишларини турли кўринишда (семинар, мунозара ёки давра суҳбатлари) ўтказиш мумкин.

Кенгашнинг йиғилишига қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Янги дастур ва ўқув қўлланмаларининг мазмуни, дарслик ёки қўлланмалар рўйхати, улардан фойдаланиш бўйича йўриқлар.

2000-2001 ўқув йилида 7-синф ўқувчилари билими янги тажрибадан ўтган жисмоний тарбия дастурининг ўқув мезонлари асосида баҳоланади.

8—11-синфларда эса 1998 йили чиқарилган амалдаги дастур асосида дарслар олиб борилади.

2. Жисмоний тарбия дарсларида янги педагогик технологияни қўллаш (иш тажриба).

3. Ўзбекистон аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги саломатлик даражасини белгилаб берувчи "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестлари билан ишлаш тажрибасидан.

4. "Соғлом авлод йили"да ўқувчилар ҳар томонлама ривожланган, кучли, эпчил, чаққон бўлиши учун жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишига эришиш.

5. "Соғлом авлод учун" дастури — амалда.

6. "Ўзбекистон ифтихорлари" — бизнинг фахримиз.

7. "Соғлом авлод" дастури асосида миллий ўйинлар ва спорт турларини амалиётга татбиқ этиш.

8. Жисмоний тарбия дарсларида мусиқа ва миллий рақс элементларидан фойдаланиш.

9. Тиббий гуруҳларга ажратилган ўқувчилар билан махсус машғулот ўтказиш тажрибаси.

10. Жисмоний тарбия дарси жараёнига Республика миқёсида мусобақаларда ва хорижда ўтказиладиган спорт мусобақаларида иштирок этувчи ўқувчиларга ўзини қандай тутишларини, маънавият ва миллий ғурур, миллий ғоя ва миллий мафкурани сингдириш.

11. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш.

12. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кундалик эҳтиёжга айлантириш.

13. Бошланғич синфларда миллий ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти.

Давра суҳбати:

1. Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик жараёнида ўқувчи-ёшлар соғлиғини мустаҳкамлаш.

2. Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳарбий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Ҳарбий таълим раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари ишлари.

Шўъба йиғилишига қуйидаги масалалар тавсия этилади:

Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг услуб ва шакллари.

(Давоми бор)

..Алпомишдек бақувват билаги бор, бели бор, Юртга шон олиб келар полвонлари ўзбекнинг.

«Қандайдир жисмоний оғриқ ёки фарқланиш бўлмаса, бола касаллигини англаши қийин. Унинг носоғломлиги, бошқа болаларга ўхшамаслигини унга кўпинча ота-оналари маълум қилишади.»

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Ҳозирги давр ўзбек адабиётшунослиги олдида турган муҳим ва ўта долзарб муаммолардан бири XX аср миллий адабиётимиз тарихини янгича — истиқлол талқинида яратишдир. Бу борада ўнлаб рисола, дарслик, қўлланмалар яратилган бўлса ҳам ҳали етарли деб бўлмайди. Адабиётшунос Собир Мирвалиевнинг "Давр ва адабий жараён" (1993), "XX аср ўзбек адабиёти тарихини янгича даврлаштириш муаммолари" (1994), "XX аср ўзбек адабиёти тарихининг янгича талқини" (1998) каби ишлари, хусусан, "Ўзбек адиблари" (XX аср ўзбек адабиёти) китоби ("Ёзувчи", 2000 й.) айниқса, эътиборга моликдир. Зеро, ушбу китоб (ўқув қўлланма)нинг сўнгги етти-саккиз йил орасида уч маротаба нашр этилиши ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Агар "Ўзбек адиблари"нинг биринчи (1992) нашри бор-йўғи беш юз нусхада чоп этилган ва унга ҳаммаси бўлиб қирқ нафарча адиб киритилган бўлса, кейинги нашрлари тобора тўлдирилиб, бойитиб борилганлиги маълум бўлади. Хусусан, 1993 йилда "Фан" нашриёти томонидан босилган "Ўзбек адиблари" китоби эллик минг нусхада бўлишига қарамай, жуда оз фурсатда ўз китобхонига етиб борди. Мазкур нашр аввалгисидан ҳажм ва сифат жиҳатдан анча устун бўлиб, қарийб юз йигирмадан ортиқ адиблар ижодини қамраб олган эди. Ўтган давр "Ўзбек адиблари"нинг янги нашрига эҳтиёж борлигини кўрсатди.

Муаллиф ана шу давр эҳтиёжидан келиб чиқиб яқинда "Ўзбек адиблари" китоби — ўқув қўлланмасининг тўлдирилган, қайта бойитилган учинчи нашрини амалга оширди. Хўш, бу нашр аввалгиларидан қайси жиҳатдан фарқланади, афзаллик томони нимада, деган савол бўлиши табиий.

"Ўзбек адиблари"нинг мазкур нашрини қўлга олар экансиз, энг аввало, китоб қиёфасининг ўзида жозиба борлиги, қоғоз ва адиблар сувратларининг сифати яхшиланганлигини пайқайсиз, яна ҳам эътиборлиси қўлланманинг ҳажм ва сифат жиҳатдан янада бойиб, тўлдирилганлигидир. Унда қарийб икки юзга яқин (175 нафар) адиблар ҳақида энг зарур маълумотлар берилибгина қолмай, уларнинг ҳар бирига хос услубий-ижодий ўзига хослик, шунингдек, адабиётимиз тарихидаги ўрни, аҳамияти ҳақида ҳам ихчам, аммо аниқ хулосалар баён этилган.

Кузатишимизча, муаллиф "Ўзбек адиблари"ни фақат сон, ҳажм жиҳатдангина кенгайтириб қолмаган, балки аввалги нашрларда ўрин олган адиблар портретини деярли қайтадан кўриб чиққан. Масалан, Сўфизода ёки Беҳбудий ҳақидаги маълумотномани кўрайлик. Агар Сўфизода ҳақидаги шу кунгача бўлган барча "Тарих"ларда унинг таваллуди 1869 йил деб берилган ва бу "Ўзбек адиблари"нинг иккинчи нашрида ҳам такрорланган ҳамда маълум чалкашликларга йўл қўйилган бўлса, мазкур нашрда муаммо ўзининг тўғри илмий ечимини топган. Яъни, муаллиф янги ҳужжатлар асосида Сўфизода таваллуди, айтилганидек 1869 йил деб эмас, 1880 йил деб тўғриланганлиги сезилди. Ёки: Беҳбудий ҳақидаги маълумотнома алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида асосли, тўғри хулоса берса ҳам, унинг нега "адиб"лар қаторидан ўрин олиши сабаби айтилмаган эди. Янги нашрда эса

М.Беҳбудий драматург, адиб эканлигини исботловчи "Падаркуш" драмасининг ихчам таҳлили билан ўринли тўлдирилган. Худди шундай кичик, аммо ўта муҳим ўзгартириш, янгиланишни деярли барча адиблар ижоди мисолида ҳам кўрса бўлади. Айниқса, ёзувчи Х.Тўхтабоев ҳақидаги маълумотнома адибнинг ўз қўли билан ёзилган ҳолда берилиши ҳам эътиборни тортади. "Ўзбек адиблари"да яна бир янгиланиш Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, У.Носир каби қатағон этилганлар сафининг тўлдирилишида кўзга ташланади. Жумладан, Ғози Юнус, Шокир Сулаймон, Отажон Ҳошим каби адабиётимиз, маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутган, қатоғон туфайли унутилган адиблар — шаҳидлар хотирасининг тикланиши хайрлидир.

Шунингдек, адабиёт мухлислари, адабий жамоатчилик яхши таниган ва турли сабаблар туфайли эътибордан четда қолган Хуршид (Шамсиддин Шарофитдинов), Абдулла Авлоний, Чустий, Султон Акбарий, Толиб Йўлдош каби истеъдодли адибларнинг янгидан ўқувчи ихтиёрига тақдим этилиши китобхонни қувонтиради. Ушбу ўқув қўлланмадаги энг муҳим янгиланиш назаримиздаги истеъдодли ёшларга алоҳида эътибор қаратилганлигида деса бўлади. Тўғри, уларни "ёшлар" сафига қўшиш унчалик тўғри бўлмас, бироқ аср адабиётига нисбатан шундай дейиш ҳам хато бўлмайди. Жумладан, Тўра Сулаймон, Чўлпон Эргаш, Жонибек Субҳон, Гулчеҳра Нуруллаева, Сайёр, Абдулла Шер, Дадахон Нурий, Исфандиёр, Исмоил Тўлак, Шарифа Салимова каби ўнлаб истеъдодли янги бир авлод ушбу китобдан ўзига муносиб ўрин олганлиги ҳам қўлланма салмоғи ва сифатини кўтарган. Айниқса, улар қаторида Юсуф Шомансур, Хайриддин Салоҳ, Анвар Эшон каби бевақт оламдан ўтиб, унутилаёзган адиблар ҳақида ҳам мазмунли маълумот берилиши, китобга киритилиши жуда-жуда ўринли, улар руҳи покига ҳурмат белгиси ҳам деб билмоқ лозим. Яна Сирожиддин Саййид, Зулфия Мўминова, Шойим Бўтаев, Эшқобил Шукур, Салим Ашур, Иқбол Мирзо каби адабиётимизнинг ёш намоёндалари ҳақида илк бор илиқ гап айтилиши уларни нафақат китобхонга яқинлаштиради, балки ижодкорларнинг яратилажак асарларига рағбат беради, деб ўйлаймиз.

"Ўзбек адиблари" сўнгида муаллиф яна бир хайрли ишга — "Истеъдод ниҳоллари"га эътибор қаратган. Гарчи жуда ихчам тарзда бўлса ҳам улар номи, ижодий йўналиши, услубий ўзига хослиги ва энг муҳими келажакка бўлган умиди ифода этилган.

Хуллас, "Ўзбек адиблари" (XX аср ўзбек адабиёти) ўқув қўлланмаси ўйлаймизки, барча адабиёт ихлосмандларига, қолаверса, барча кутубхона, мактаб, маънавият, маданият ва мафкура марказлари учун, биринчи галда адабиёт ўқитувчилари учун ўта зарур қўлланма-дастуриламал бўлиб хизмат қилади, деб ишонамиз. Китоб содда, оммабоп тарзда ва юқори илмий-амалий услубда ёзилган, айниқса, ҳозирги замон ўзбек адабиётидан махсус дарсликлар, қўлланмалар етарли бўлмаган бир шароитда ҳаммаҳамма учун фойдалидир.

Истардикки, келгуси нашрларда Баҳром Раҳмон, З.Фатхуллин, Барот Исроил, Ямин Қурбон, Йўлдош Эшбек, Назар Эшонқулов, Зебо Мирзо, Ҳалима Аҳмедова каби ўқувчи назарига тушган адиблар ҳам киритилиб, улар ҳақида маълумот берилса, "Ўзбек адиблари" салмоғи яна ҳам ортарди.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
профессор,
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
профессор



Таътилдаги мутоала
Р.Альбеков олган сурат-лавҳа.

ПОЛВОНЛАРИ ЎЗБЕКНИНГ

Бир эл борки дунёга кўз-кўз бўлган султони,
Элни элга танитган бахши, шоир полвони.
Ғайрат камарин боғлаб, лол қолдириб дунёни.
Ҳалол курашиб юрар полвонлари ўзбекнинг.

Аслида элдан элнинг мартабаси кам эмас,
Кураш майдонларида полвонлари ғам емас,
Аммо жаҳон нигоҳи ўзгаларда ҳам эмас,
Шоҳ супаларда турар полвонлари ўзбекнинг.

Тўю тантаналари курашсиз ўтмаган эл,
Полвонин саноғига юлдузлар етмаган эл,
Ўзини эр билсада бир ёқа тутмаган эл,
Ўзгаларни шер билар полвонлари ўзбекнинг.

Бу дунёнинг шундайин полвонсифат эли бор,
Ҳар битта паҳлавонин ўраб солар "чил"и бор.
Алпомишдек бақувват билаги бор, бели бор,
Юртга шон олиб келар полвонлари ўзбекнинг.

Ғирромликни билмаган, қолмаган ҳеч "дакки" еб,
"Чала", "ғирром" курашни ўзига кўрмаган эп,
Кўнмаган баковуллар айтмагунча «ҳалол» деб,
Марду майдон курашган полвонлари ўзбекнинг.

Юртга фидо ўғлонлар, дунёнинг паҳлавони,
Курашларда қолмаган зарра бўлсин армони.
Минг шукрки мусаффо Ўзбекистон осмони,
Эл юртига ярашган полвонлари ўзбекнинг.

Абдуғаффор ОЧИЛОВ,
Денов туманидаги 62- мактаб ўқитувчиси

Xullas...

ҲАСАДНИНГ КУЧИ

Италиялик сеҳргар Марио Манзонига Гарри Гудинининг шуҳрати сира тинчлик бермай қўйди. Шу боис у Тулузага гастролга келган чоғида, оммани қўлида кишанлар билан қуприкдан Гарони дарёсига шунғишга тайёр эканлиги тўғрисида хабардор қилди. Чиндан ҳам у сувга сакради, аммо қўлларида кишан йўқ эди. Бу ерда дарҳол ҳозир булган полициячилар қўзбойлагични жонига қасд қилганликда гумон қилишиб, унинг қўлига кишан уришди.

Сеҳргар айбсиз айбдорга айланди. Уни руҳий касалликлар шифохонасига жунатишганида, ўзини оқлаш учун ҳўп уринди ва ниҳоят, у ҳақ булиб чиқди. Шифокорлар хулосаси ўз тасдигини топгач, полициячилар уни жамоат тартибини бузганликда айблаб, катта миқдордаги жарима билан "сийлашди".

ТУЯҚУШ ХАТ ТАШИЙДИ

30 йиллар муқаддам Ботсванадаги Чачва ва Нквулла қўрғонлари оралиғида на телефон алоқаси ва на автобус қатнови йўлга қўйилган эди. Алоқа хизматисиз эса яшаб булмайди.

Қишлоқдошлар кенгашиб, Квач лақабли туяқушни аввал яхшилаб ўзларига ўргатишди. Кейин эса у буйнига хатлар солинган халтачани осиб олганча қишлоқма-қишлоқ хизмат қилди.

Бугунги кунда Ботсванадаги бу икки қишлоқ телефонлаштирилган, автобуслар ҳам сероб. Аммо туяқуш ҳамон алоқа хизматида. Туяқушнинг учинчи авлоди буйнига осилган халтани белгиланган манзилга адашмасдан, хиёнат қилмасдан етказиб бермоқда. Халтада пул жунатмалари ҳам бор.

Ўргатилган ҳайвонларнинг инсонга садоқати учун садаганг кетса арзийди.

ХЎРАНДАЛАРГА ХУШ КЕЛДИ

Прагадаги "Олтин бука" ресторанидан хўрандалар узилмайди. Бу ерда текин овқатланиш имконияти мавжуд.

Ҳар бир столда қум соатчалар қўйилганки, ингичка тешикдан оқаётган қум белгиланган чизиққа етса, хўранда текин овқатланиш ҳуқуқига эга. Вақт деганингиз югурик нарса, ресторан ходимлари гоҳ у, гоҳ бу столга югуришиб, соатчага қарайдилар. Шу боис, кўп ҳолларда улар "ютқазиб" қўйишмоқда. Текин тамадди қилиш илинжида бу ерга кирган хўрандаларнинг эса кети узилмайди. Таомномада мол юрагидан қилинган гуляш ва лаззатли гўшт булаклари...

Ресторан ходимлари хўрандаларни кўпайтиришга эришдилар-а, аммо шу кетишда банкротга учраб қолишмасмикан?

ana shunaqa gaplar...

SPORT

22-ТУРДАН СЎНГ

Мамлакат миллий футбол чемпионати Олий лига жамоалари 22-тур учрашувларини ортда қолдирди. Навбатдаги ғалабадан сўнг "Дўстлик" жамоаси 53 очко билан иккинчи ўринда бораётган "Самарқанд" клубини 7 очкога ортда қолдиряпти ва бу билан ўтган йилги мавқеларини сақлаб қолишга жиддий аҳд қилганликларини намоён этаяпти.

ИСПАНИЯ ЧОРЛАЙДИ

ФИФАнинг навбатдаги йиғилишида футбол бўйича клублар ўртасида кечадиган II жаҳон чемпионати Испанияда ўтказилиши маълум қилинди. Унда иштирок этадиган 12 жамоанинг иккитаси мезбонлар клублари бўлади. Беллашувлар 2001 йил 1-12 август кунлари бўлиб ўтади.

РИВАЛДО — ЭНГ ҚИММАТ...

Жаҳоннинг ўтган йилги энг яхши футболчиси Ривалдога "Милан" кутилмаган таклифлар билан мурожаат қилгач, "Барса" раҳбарлари ўз плеймейнерларининг ойлик маошини уч ҳисса ошириб, у билан 3 ойлик шартномани имзолади. Ойига 6,5 млн. доллар оладиган Ривалдо эндиликда энг қиммат ўйинчига айланди.

ИНГЛИЗЛАР ИЧИДА БИРИНЧИ

Англиянинг "Сандерланд" клуби ҳужумчиси Кевин Филлипс премьерлигада киритган 30 та тўпи билан "Олтин бутси" соҳиби бўлди. У инглиз футболчилари ичида биринчи бўлиб бундай мукофот билан тақдирланди. Филлипс совғани ЕСМ газетаси вакилларидан қабул қилиб олди.

ХИВАДА СПАРТАКИАДА

Хива туманида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ХТБ мутасаддилари томонидан спортнинг беш тури бўйича спартакиада ташкиллаштирилди. Спартакиадага "Хива бозори", "Хива сополи", Хива туманлараро босмахонаси ҳомийлик қилдилар ва ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

maydonchasi

ДАҲШАТЛИ ТАШХИСДАН АСРАБ ҚОЛИШДИ

Чувашларнинг Ибреси қишлоғида оддий ўқитувчилар оиласида ўғил туғилди. Роза ва Николай Русановлар бу болани ўн йилдан ортиқ кутишган эди. Роза агар худо бир ўғил ато этса, унга бор меҳр-муҳаббатимни бахшида этардим, деб тинмай илтижолар қилди. Ниҳоят у она бўлди. Бироқ бола туғилганига уч кун бўлганда, врач нохуш хабар етказди: бола носоғлом, у ҳам руҳан, ҳам ақлан ривожланишда ортда қолади. Бу хабар ота-она учун кутилмаган зарба бўлди.

Она боласини уйига олиб келганда, уни бирма-бир кўздан кечирди: қўл-оёқлари жойида, ҳамма каби оддий бола, бироқ озғин, нимжон, туғилгандан бери бор-йўғи икки-уч бор йиғлади, холос. Участка врачи эса боланинг узоқ яшамаслигини айтди.

Лекин Роза эри билан иродасини бўш қўйишмади. Улар гўдакнинг келажагига умид боғлаб, ўзлари мустақил равишда боланинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ривожлантириш методини ишлаб чиқишди.

Ота-она фарзандларига кўп эътибор беришни, мунтазам равишда гаплашишни, ҳар бир жавоби, ҳар бир ҳаракатини кузатиб бориб, тўғри йўналтириб туришни келишиб олишди. Улар болани кўпроқ қўлда олиб юришга қарор қилишди: Саша (Александр — боланинг исми) улар учун севимли эканлигини ҳис қилиши керак эди.

Орадан олти ой ўтди. Тақдирга тан бермаган ота-она саъй-ҳаракатининг самараси кўринди. Саша гапира бошлади. Энди болага кўпроқ маълумот бериш керак. Улар гўдак билан ўйлатадиган, хотирани ривожлантирадиган ўйинларни ўйнай бошлашди. Бу эса янада тез ақлий ривожланишига туртки бўлди. Лекин ота-она боланинг соғлиғидан хавотирда эдилар — улар нозик асаб системасига ортиқча оғирлик қилмаслик учун унинг гўдаклигида ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш кабиларни ўргатишни режалаштирмадилар. Бироқ боланинг ўзи ўргатишларини талаб қила бошлади: ҳарфлар тўплами маъно англатишини билиб қолиб, у нималигини сўрайвериб катталарни ҳоли жонига қўймасди. Шундай қилиб, болакай икки ёшга тўлиб ёзишни, ўқишни, 100 гача санашни, карра жадвални, картада океан ва қитъаларни, Менделеев жадвалидаги баъзи элементларни биларди. У етти ёшга тўлгач, суҳбат асосида бирдан иккинчи синфга қабул қилишди, олти йилдан сўнг мактабни битириб, тиббиёт факультетининг талабаси бўлди. Йигирма ёшида эса врачлик дипломини олди. Ҳозирда у қишлоғининг энг етук мутахассисларидан бири. "Ақлан носоғлом" туғилган бола шундай инсон бўлиб етишди. Ўйлашингиз мумкин, балки ўшанда врачлар нотўғри ташхис қўйишган деб. Лекин бола, дарҳақиқат, руҳан ва ақлан носоғлом туғилганди. Гап шундаки, ота-она бу касалликка тан беришмади. Александр бу ташхис ҳақида улғайганидан кейин эшитди. У врач сифатида ота-онасининг мўъжизасини шундай изоҳлайди: "Қандайдир жисмоний оғриқ ёки фарқланиш бўлмаса, бола касаллигини англаши қийин. Унинг носоғломлиги, бошқа болаларга ўхшамаслигини унга кўпинча ота-оналари маълум қилишади. Шунда бола ҳам жисман, ҳам руҳан шу касалликка мослашиб, шаклланади. Ота-онамнинг буюк хизмати шундаки, улар мени даҳшатли ташхисдан асраб қолишди. Мен ҳеч нарсадан бехабар, ҳамма болалар кабилигимни ҳис қилиб, меҳрибон ота-онам бағрида ўслим".

Taqdir

Ўз даврида Ролан Биков шундай деган экан: "Мен болалар олигофренияси(-туғма руҳий касаллиги)дан шубҳалана бошладим. Менимча: уларнинг 70 фоизи қўлдан бой берилган. Биз катталар бу болаларга касалманд деб ҳукм ўқиб, енгил йўлни танлаб қўя қоламиз. Аслида уларнинг қанчасини ҳаётга қайтариш мумкин эди". Мен Ролан Биковнинг сўзларидан ақлий ва жисмоний камчилик билан туғилган болаларни эмас, балки соғлом, тетик дунёга келган болалар тақдири ҳақида ўйлаб қолдим. Биз жуда кўп нарсани қўлдан бой бермаяпмизми? Ота-она меҳр-муҳаббати билан касалманд боладан шундай комил инсонни тарбиялаганда, бизнинг лоқайдлигимиз, масъулиятсизлигимиз қанчадан-қанча болаларни мажруҳ қилиб қўймаяптими?

Кўчаларда сандиراب-тентираб юрган минглаб қаровсиз болаларнинг, ҳаётда мақсадини, ўз ўрнини тополмаган, ҳеч кимга керак эмаслигини англаб етган, охир-оқибат жиноятнинг ифлос кўчаларига кириб кетган ёшларнинг келажаги учун ота-она жавобгар эмасми? Умуман, тиббиёт аҳли ногирон, касалманд болаларни соғлом ҳаётга қайтариш ҳақида бош қотираётганда, соғ болаларни нашавандлик, ичкиликбозлик, жиноятчилик каби иллатлардан сақлаб қололмасак, бу бизнинг фожиамиз эмасми?

Лоқайдлигимиз туфайли гавжум ва кимсасиз кўчаларда, ур-йиқит вокзал ва бозорларда санғиб юрган ёки тирикчилик қилаётган дайди болаларга баъзида раҳмимиз келиб, ичимиз ачийди. Лекин шундоқ ота-она "бағрида" ўсаётган, лекин на отанинг, на онанинг унга эътибор беришга вақти бўлмаган, ўзини севикли бола бўлиб дунёга келганини ҳис қилмаган ва болалик инжиқликлари-ю эркаликларини кўтаришга яқин кишиси бўлмаган мурғак жон бутун умрга ўзини кичик одамча деб паст баҳо берадиган, бахтсиз-омадсиз бўлиб ўтмайдими?

Шаҳноза ҲАЙДАРОВА,
талаба

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Тошкент алоқа коллежининг директори С. Акбаровга укаси
Дилшоджон АКБАРОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1-Тошкент Педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг математика ўқитувчиси Муҳсина Назаровага падари бузруквори
ТЎХТАМУРОД отанинг
вафот этганлиги сабабли чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ўзбек филологияси факультетининг "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" кафедраси ўқитувчиси Исроилжон Исоқовга падари бузруквори
Исмоилжон ИСОҚОВнинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нурлан УСМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-717. Тиражи 19.706.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.